

Таким образом, подводя итог вышеизложенному, можно утверждать, что качественное и эффективное информационное обеспечение научной и образовательной деятельности определяется такими факторами, как:

- Профессионализм библиотекарей, в том числе хорошее знание ими английского языка и следование кодексу профессиональной этики в общении с пользователями и коллегами;
- Физическое пространство библиотеки и его оснащение (реализация концепции «открытая библиотека»):
  - График работы;
  - Многофункциональность помещений;
  - Оборудование для людей с физическими ограничениями;
  - Консультационные пункты;
- Информационные ресурсы и инструменты;
- Формирование медийной и информационной грамотности (плагиат, авторское право, информационно-технологическая культура);
- Взаимодействие библиотеки с образовательными и научными подразделениями:
  - Библиотечные комитеты;
  - Предметные библиотекари;
- Библиотечные технологии и формы обслуживания пользователей:
  - Наличие компьютеров, принтеров, сканеров, доступа в Интернет, библиотечного портала, виртуальных сервисов (электронный каталог с web-интерфейсом, виртуальная справка, тематические путеводители, удаленный заказ литературы и т.п.);
  - Станции самообслуживания, машины возврата книг («drop-boxes») и т.п.

Многоаспектность факторов, определяющих качество и эффективность информационного обеспечения научного и образовательного процессов в университете, невозможность зачастую их строгой формализации определяют важность формирования и поддержки на должном уровне такой интегральной характеристики библиотеки как культура предлагаемого ей информационно-библиотечного обслуживания, которая в Назарбаев Университете базируется на принципе трех «С»: “Creativity” (креативность), “Cooperation” (сотрудничество) и “Commitment” (чувство профессионального и общественного долга).

## **АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА ЎҚИШ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

**Ганиева Б.И.** *(Тошкент ахборот технологиялари университети)*

*Мақолада ахборотлашган жамиятда ўқиш маданиятини тарбиялашдаги кутубхонашунослик фани олдида турган долзарб масалалар, жумладан,*

*ўқиш маданияти, ахборот олиш маданиятини шакллантиришнинг назарий масалалари, шакллантириш жараёни, бу борада қилиши лозим бўлган ишлар ёритиб берилди.*

**Калим сўзлар:** *ахборотлашган жамият, ўқиш маданияти, кутубхонашунослик, ахборот манбалари.*

## **CREATING OF THE READING CULTURE SUBJECTS IN INFORMATION SOCIETY**

**Ganieva B. I.** (*Tashkent University of Information Technologies*)

*The article examines the objectives of the subject of library science aimed at fostering a culture of reading in society, such as the culture of reading, the theoretical basis for the formation of a culture of information use, and the actions required and carried out for this purpose.*

**Keywords:** *Information society, culture of reading, library science, information sources*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича Комиссия тузиш тўғрисида”ги 2017 йил 12 январдаги Ф-4789 Фармойишида мамлакатимизда муҳим соҳа ривожини билан боғлиқ аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишда бир қатор муаммолар мавжудлиги қайд этиб ўтилди. Ушбу соҳадаги камчиликларни бартараф этиш, аҳолининг китобхонлик маданиятини юксалтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича бир қатор вазифалар белгиланди.

Кутубхонашунослик фани олдида ёш авлодни китоблар воситасида тарбиялаш, улар ўқишига раҳбарлик қилиш масалалари ҳар доим долзарб бўлган. Мамлакатимизнинг кутубхонашунос олимлари бу борада маълум ишларни амалга оширдилар. Жумладан, О.Ғ.Қосимова, М.А.Раҳимова, Э.Й.Йўлдошев, Э.Исломовларнинг<sup>12</sup> изланишларида кутубхоначилик ишининг умумий муаммолари билан бир қаторда ўқиш маданиятини шакллантириш масалалари бўйича ҳам фикрлар айтиб ўтилган. Жумладан, профессор Э.Й.Йўлдошевнинг ушбу мавзуга алоқадор болалар кутубхонасида китобхонлар ўқишига раҳбарлик қилиш, кутубхона ва болалар китобхонлиги мавзусидаги тадқиқотларида ўқиш маданияти, унинг шаклланиш манбалари хусусида бир қатор назарий фикрлар илгари сурилган. Шунингдек, олимнинг болаларда китоб ўқиш маданиятини

<sup>12</sup>Қосимова О.Ғ. Есимов Т.Б. Умумий кутубхонашунослик.- Т.: Ўқитувчи, 1994.-272 б.; Раҳимова М. Йўлдошев Э. Камолот калити. Болалар ўқишига раҳбарлик қилишда оила, мактаб ва кутубхонанинг ҳамкорлиги ҳақида. – Т.: Фафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. – 54 б.; Йўлдошев Э.Кутубхонада болалар ўқишига раҳбарлик қилиш: Ўқув қўлл. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 128 б.; Исломов Э. Йўлдошев Э. Мактаб-лицей кутубхонаси ишини ташкил қилиш. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – Б.20-53.

шакллантиришнинг миллий моделини ишлаб чиқиш зарурати борасидаги фикрлари диққатга сазовордир.

А.О.Умаровнинг<sup>13</sup> мутолаа ҳодисаси, унинг баркамол инсонни тарбиялашдаги ўрни, жамиятда мутолаа жараёнларини оптималлаштириш орқали ижтимоий-маданий тараққиётни жадаллаштириш йўлларига оид илмий-социологик таҳлиллари алоҳида аҳамиятга моликдир. Ушбу изланишларда мутолаа ҳодисасининг моҳияти, мазмуни ва таркибий жиҳатлари, мутолаа жараёнларининг анъанавий ва замонавий услублари таҳлил этилган. Шунингдек, А.О.Умаровнинг А.П.Коваленко билан ҳамкорликда ўқиш психологияси, китобхон психологиясига доир изланишларида ўқиш маданиятини тарбиялашда ўқиш психологиясининг аҳамияти ёритиб берилган.

Шу ўринда «Ўқиш маданияти» нима, унинг ижтимоий моҳияти нимадан иборат? деган саволга жавоб берамиз. Профессор Э.Й.Йўлдошев бу тушунчага шундай таъриф беради: «Ўқиш маданияти – жуда кенг қамровли тушунча бўлиб, китобга қизиқиш ва уни севиш, адабиёт билан кенгроқ танишишни, китоб ва у билан ишлаш ҳақидаги махсус билимларга эга бўлишни, шунингдек, китобдан тўла равишда фойдаланишга ёрдам берувчи кўникма ва малакага эга бўлишни тақозо этади». Бугунги кунда «ўқиш маданияти», «китобхонлик маданияти», «мутолаа маданияти» каби атамалар билан қўлланилиб келаётган ижтимоий ҳодиса- ахборот олиш маданиятининг таркибий қисмидир. «Мутолаа» сўзи арабча «ўқиш» деган маънога эга бўлса-да, бугунги кунда у китоб ўқишдан кўра кенгроқ тушунчани англатмоқда. Маданият сўзи араб тилидан кириб келган бўлиб, «цивилизация», «тараққиёт» каби маъноларни англатади. Демак, ушбу сўз ишлатилганда, бир соҳада тараққийлашиш, юқорилаш деган тушунчаларни ифода этиши талаб қилинади. Маданият — жамият, инсон ижодий куч ва қобилиятлари тарихий тараққиётининг муайян даражаси. Кишилар ҳаёти ва фаолиятининг турли кўринишларида, шунингдек, улар яратадиган моддий ва маънавий бойликларда ифодаланади. Маданият тушунчаси муайян тарихий давр, конкрет жамият, элат ва миллат, шунингдек, инсон фаолияти ёки турмушининг ўзига хос соҳалари (мас, меҳнат маданияти, бадий маданият, турмуш маданияти)ни изохлаш учун қўлланилади. Тор маънода маданият атамаси кишиларнинг фақат маънавий ҳаёти соҳасига нисбатан ишлатилади. Маданият арабча мадина (шаҳар) сўзидан келиб чиққан. Араблар кишилар ҳаётини икки турга: бирини бадавий ёки саҳроий турмуш; иккинчисини маданий турмуш деб атаганлар. Бадавийлик — кўчманчи ҳолда дашту саҳроларда яшовчи халқларга, маданийлик — шаҳарда ўтроқ ҳолда яшаб,

---

<sup>13</sup>Умаров А.О. Ижтимоий-маданий тараққиётни таъминлаш ва комил инсон шахсини шакллантиришда мутолаанинг роли. Соц.ф.д... диссертация автореферати.-Т., 2005.-56 б.; Умаров А. Мутолаа маданияти: шахс, жамият, тараққиёт. – Т.: Фан, 2004. – 191 б.;Умаров А. Китоб ва китобхон: анъаналар ва янгиликлар // Соғлом авлод учун. –2003. –№11. – Б. 16-20.; Умаров А. Коваленко А. Психология читателя и чтения: Учеб. пос. – Т.: Изд-во Национальной библиотеки им А. Навои, 2004. – 137с.

Ўзига хос турмуш тарзига эга бўлган халқларга нисбатан ишлатилган. Ўрта аср маданиятининг буюк намояндалари Абу Али ибн Сино, Беруний ва б. шаҳар турмуш тарзини жамоанинг етуклик шакли сифатида талқин қилганлар.<sup>14</sup>

А.Умаров фикрича, «Мутолаа маданияти ижтимоий гуруҳлар, уюшмалар ва алоҳида индивидларнинг умумий маълумот олишга йўналтирилган жараён, хулқ-атвор ва фаолиятлари мазмуни ҳамда таркибий тизимларида юз берувчи ўзгаришлар мажмуини ифодаловчи билимлар, меъёрлар, ижтимоий ҳодисалар ва бошқа атрибутлардир. Айни чоғда мутолаа маданиятини таълим тизимлари орқали махсус шакллантирадиган, ихтисослашган маълумотни инсон ҳаёти давомида турли манбалар – китоблар (бадий, илмий, ўқув, қомусий), оммавий ахборот воситалари (газета, журнал, телевидение, радио ва шу кабилар), замонавий ахборот технологиялари (интернет, электрон газета, журнал, қўлланма ва ҳоказолар), шунингдек, субъект билан бевосита мулоқотга киришувчи шахслар (оила аъзолари...) орқали эга бўлинадиган турли йўналиш ва шаклдаги умумий маълумотдан фарқлаш лозим бўлади».

Ҳозирга қадар илмий-назарий адабиётларда ва амалиётда бир қатор ҳодисалар «ўқиш маданияти» тушунчаси остида юритилади<sup>15</sup>. Жумладан, ўқиш маданияти болаларга бадий адабиётни тўғри тушуниш йўллари, ундан эстетик завқ олишни ўргатади. Шунингдек, илмий адабиётлар билан ишлаш йўллари, маълумот-библиография ва барча турдаги ахборот материалларидан ўзини қизиқтирган нарсаларни қидириб топиш, умуман, китоб ва кутубхонадан тўғри фойдаланиш йўллари ўрганиш ҳам ўқиш маданияти тушунчаси доирасига киради. Ўқиш маданиятини тарбиялаш жараёни натижасида «китобхонлик маданияти» шаклланади. Чунки айнан ўқиш маданиятини эгаллаган шахсга нисбатан «китобхон» терминини ишлатиш ўринлидир. Сафо Матчон фикрича: «Китобхонлик – ўқилган китоблар сони билан белгиланмайди, балки у тушуниб ўқиш, яъни мақсадли ўқишдир. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, китобхоннинг ёзувчи айтмоқчи бўлган фикрини нечоғли уқилиши, яъни асар «тили»га тушунишини китобхонлик маданияти, таланти даражасини кўрсатади. Шу туфайли адабиётимиз талантли ёзувчилар билан бирга талантли китобхонларга ҳам ҳамиша эҳтиёж сезади». Олимнинг фикрича, китобхонлик истеъдоди туғма эмас, балки тарбия воситасида камол топадиган фазилатдир. Китобхонлик ҳақида гап кетганда, олмон мутафаккири Гётенинг куйидаги фикрини келтириш жоиздир: «Китобхонликка ўрганиш учун қанчалик кўп вақт сарф қилинишини одамлар тасаввур қилмайдилар, бунинг учун мен ҳаётимнинг 80 йилини бағишладим, лекин ҳали ҳам ўргандим, деб айта олмайман». Профессор В.Ф.Асмус ўзининг «Китобхонлик - меҳнат ва ижод» номли мақоласида эса китобхонликка шундай таъриф беради: «Мутолаа

<sup>14</sup>Ўзбекистон миллий энциклопедияси.-5-жилд.-Т.:Ўзбекистон миллий энциклопедияси нашриёти, 2003.-б.372


<sup>15</sup> Lera A. Kamalova & Natal'ya D. Koletvinova. The Problem of Reading and Reading Culture Improvement of Students-Bachelors of Elementary Education in Modern High Institution/ International Journal of Environmental & Science Education, 2016, 11(4), 473-484

вақтида асар бир кўзадан иккинчи кўзага қуйилган сув каби китобхон миясига қуйилиб қолмай, балки ижодкор китобхон томонидан қайта идрок этилади». «Тараққий этган хорижий мамлакатларда,- деб ёзади Х.Тўхтабоев,- китобхонлик фан даражасига кўтарилган. Китобхонлик китобни тарғиб қилишгина эмас, балки китоб ўқишни, ўқиладиган китобни танлай олишни, мағзини чақишни, яъни китоб ёрдамида ўзини англашни ўргатиш ҳамдир».

«Ўқиш маданияти» истилоҳи англаган маъно доирасидан унинг тарбияга оид элементларини аниқлаймиз:

- ўқишга, ахборот олишга майл, ҳавас, иштиёқни шакллантириш;
- ўқилган китоб орқали фикрлаш йўллариини ўргатиш;
- зехн ва уқувни тарбиялаш;
- мавжуд китобхонлик малакаларини такомиллаштириш кабилардир.

Ахборот олишга доир билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш: инсоннинг ахборотни ўзлаштириш савияси ва ундан фойдаланиш сифати; ахборот олиш фаолиятининг сифат тавсифи (инсон ҳаёт фаолиятининг ахборот олиш, узатиш, сақлаш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги сифат тавсифи); ахборот устидаги иш турларида: уни олиш, тўплаш, кодлаштириш ва унга қайта ишлов беришда, шу асосда сифат жиҳатдан янги ахборот яратишда, уни узатишда, ундан амалий фойдаланишда инсон, жамият ёки муайян қисмининг камол топганлик даражаси; ахборот манбаларини онгли равишда танлаш ва уларга қайта ишлов бериш алгоритмининг эгаллаш; кутубхоначилик-библиографик саводхонлик, мутолаа (китоб ўқиш) маданияти, ахборотлашув жараёни нима эканлигини ва уни кутубхона жойлашган туманда, ҳудудда амалга ошириш хусусиятларини билиш; ахборотлашув ҳуқуқий майдонида, муаллифлик ҳуқуқи муаммоларида, сўз эркинлигида, шахснинг ахборот жиҳатдан хавфсизлигида ва ҳоказоларда мўлжал ола билиш; “кутубхоначилик-библиографик билимлар”, “китоб ўқиш маданияти”, “кутубхоначилик-библиографик маданият”, “ахборот олиш саводхонлиги”, таълим жараёнида ахборотнинг роли муҳим эканлигини англаб етиш, анъанавий, электрон, тармоқли ва бошқа ахборот ресурсларидан мажмуавий фойдаланиш, ўзини ахборот ташувчиси ва тарқатувчиси деб билиш, фаол ахборот олиш; одамнинг ахборот жамиятидаги хулқ-атвор қоидалари мажмуида намоён бўлади.



*Расм. 1. Ахборот олишга доир билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш.*

Умумлаштириб изоҳлаганда, у ахборот билан ишлашнинг турли шаклларида: уни олиш, тўплаш, кодлаштириш ва унга қайта ишлов бериш, шу асосда сифат жиҳатдан янги ахборот яратиш, уни узатиш, ундан амалий фойдаланишда инсон ва жамият аъзолари муайян қисмининг баркамоллик даражаси, кутубхоначилик-библиографик билимлар (саводхонлик), мутолаа (китоб ўқиш) маданиятининг ривожланганлигини анъанавий, электрон, тармоқли ва бошқа ахборот ресурсларидан мажмуавий фойдаланиш имкониятига эгалик ҳолатини ифодалайди.

Таҳлил ва талқинлар шахснинг ахборот олиш маданиятининг қуйидаги таркибий элементларга ажратиш имконини берди:

- ✓ таълим субъектларининг кутубхоначилик-библиографик саводхонликка эга бўлиши;
- ✓ компьютер саводхонлигини эгаллаш;
- ✓ ахборот манбаларини танлаш, ахборот олишда саводхон бўлиш (мутолаа маданияти);
- ✓ ўқув ва ўқув-билув фаолиятида ахборот манбаларига таҳлилий-синтетик қайта ишлов бера олиш, таълим олиш жараёнида матндан фойдалана билиш;
- ✓ кутубхоначилик-библиографик ва ахборот олишга доир билимларни тарғиб қилиш;
- ✓ белгиланган стандартлар асосида ахборотлар мониторингини амалга ошира билиш;
- ✓ ахборот маконидаги хулқ-атвор қоидалари мажмуига амал қилиш.



*Расм 2. Ахборот олиш маданиятининг таркибий элементлари*

Бугунги кунда кутубхонага кирмай, китоб ўқимай, умумий ўрта таълим олмай, ҳаёт сари қадам қўяётган ёшларнинг ўзи йўқ. Ўз касбига оид адабиётлар, даврий матбуот материалларини кўздан кечирмай меҳнат қилаётган мутахассисни ҳам топиш қийин. Лекин асосий масала улар мавжуд ахборотлардан қанчалик унумли фойдалана олаётганликларидадир.

Муаммо давлат миқёсида ўз вақтида англаниши учун ҳам кутубхона тармоқларини ривожлантириш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматининг бир қатор фармонлари ва қарорлари қабул қилинди. Зотан, бугунги кунда ахборот олиш маданияти умуман жамият, шунингдек, турли ижтимоий гуруҳлар, айрим шахслар маънавий маданиятининг муҳим бир қисмига айланиши лозим.

## ЭЛЕКТРОН АРХИВЛАР КОРПОРАТИВ ТАРМОҒИНИ ЯРАТИШ МОДЕЛЛАРИ

**Мухаммаджонов Ш.М.** (*Тошкент ахборот технологиялари университети*)

*Мақолада электрон архивларнинг корпоратив тармоғини яратиш моделлари, хусусан, булутли ҳисоблашлардан фойдаланиш имкониятлари ўрганилган. Электрон архивлар тармоғини яратиш бўйича чет эл тажрибаси таҳлил қилинган.*

*Калит сўзлар: электрон архив, корпоратив тармоқ, сервер, булутли ҳисоблашлар, дастурий восита хизмати, хорижий электрон архивлар, DIMAG, репозиторий.*